


Маҳалла

Газета 1996 йил январь оидан чиқа бошлаган



2004 йил 31 август



Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2

- Ёруғ манзилларга элтгучи йўллар...
- Маҳалла жонкуяри ким?

3

- Юртдошларнинг юртдошларга байрам табриклари

4

- Хувайдони хотирлаб...
- Юртимиз хорижликлар таърифида...

ИСТИҚЛОЛ БАЙРОҒИНИ БАЛАНДРОҚ КЎТАРИНГ, ИСТИҚБОЛНИНГ ШАЪНИНИ ҚУЁШГА ТУТИНГ!

Ватандошларим елкасига офтоб тушганига, элнинг ўзини таниганига, ўзлаги-ни анлаганига, илдириб, чўнг томурга айланганга ўн уч йил тўлди, ўн уч йил!

ШУКУХ

Истиқлол байроғини баландроқ кўтаринг, истиқболнинг шаънини қуёшга тутинг! Бошингиз узра кўтарилган байроқдан тоғдек ўсинг, тошни ёриб чиққан гулга айланг! Бизни таниганлар, қўлларини узатсин, танимаганлар бундай улуг юртни ҳавас билан кузатсинлар! Истиқлол байроғини баландроқ кўтаринг, миллатнинг юзини қуёшга қаратинг! Остонадан бошланган Ватан учун, кўзлар қорачиқдаги Ватан учун, элга бағрини очган Ватан учун, ризқи-насибасини бошидан сочган Ватан учун, Истиқлол байроғини баландроқ кўтаринг, ор-номусни, виждон-иймонни Қуёшга тутинг!

Бирдан юзигача, бир-бирига елка тутиб, халқим деб ёниб юрган юртинг эрлари устун бўлса, аёллари осмон бўлиб, қизлари олдун бўлса, кўксиди байроғи бор, ҳуррият байрами бор.

Истиқлол байроғини баландроқ кўтаринг, қуёшга интилган халқ Қуёшга ҳамроҳ бўлсин! Юртига қўл кўтарганлар, элнинг юзига оёқ қўйганлар — ота-онасини дорга осганлар!

Нодонлар, олчоқлар, соқтинлар, каслар, пастрларнинг кўзларига тикондек санчилсин, юракларига ханжардек ботсин, қўлларига берманг, юрагига тўғирланг, Истиқлол байроғини баландроқ кўтаринг, Мардлар кўтаради уни, номардлар эса...


Ватандошларим! Ўн уч йилликнинг баланд тоғларига, мева бера бошлаган боғларига, чақалоқларнинг бешикларига, мард инсонларнинг эшикларига Байроқ осинг! Байроқ осинг! Сенинг қадрига етганларнинг, сени деб ўтганларнинг, юрагида борсан, Ватан! Истиқлол байроғини баландроқ кўтаринг!

Ҳамид НОРКУЛОВ

ЯНГИ ИНШОТЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан истиқлол йилларида пойтахтимизда янги ва рагон кўчалар, транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган, айни пайтда қўшмача харажат ва вақтни тежасан ҳолда турли мавзе ва кўчаларни бир-бири билан боғлайдиган замонавий кўприклар бунёд этилмоқда.

Истиқлол байрами арафасида Тошкентнинг Амир Темур кўчаси билан Хусниддин Асомов кўчаси кесишган чорраҳада янги кўприк фойдаланишга топширилди. «БошлангИТИ» институти мутахассислари лойиҳаси асосида «Ягона буюртмачи хизмат» инжиниринг компанияси буюртмасига мурвофик «Кўприкқурилиш» ҳамда «Шахарқурилиштаъмир» трести бунёдкорлари бу



Давоми 2-саҳифага

СУРАТЛАРДА: байрам арафасида ишга туширилган кўприк ва Санъат музейи. Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Қахрамони» унвони бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қахрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қахрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

- Иброҳимов Тўлқин Йўлчибоевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Ўзбекистон» локомотив депоси тепловоз машинисти
- Махмудова Анор Мадаминовна — Гурлан туманидаги Ибн Сино номли 5-мактаб директори, Хоразм вилояти
- Ҳамидов Абдураим — Тўрақўрғон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигининг лудратчиси, Наманган вилояти
- Юсупов Иброҳим — Ўзбекистон халқ шоири

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2004 йил 25 август



Иброҳимов Тўлқин Йўлчибоевич



Махмудова Анор Мадаминовна



Ҳамидов Абдураим



Юсупов Иброҳим

МУКОФОТЛАР МУБОРАҚ, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги муносабати билан мукофотланганлар орасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда «Маҳалла» жамғармасида самарали фаолият кўрсатиб келадиган қуйидаги ходимлар бор:

«Эл-юрт хурмати» ордени билан
Каландаров Сафобой — Богот тумани «Хўжалик» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

Камбаралиев Собитхон — Наманган шаҳридаги «Тахтақўприк» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

Ҳайдаров Комилжон — Балиқ-

чи туманидаги «Омонариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

Холмирзаев Бекмирза — Янгийўл туманидаги Ййбк номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент вилояти

«Меҳнат шухрати» ордени билан
Нишоновна Гавхарой — Мирзаобод туманидаги «Нурафшон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

«Дўстлик» ордени билан
Жумаев Бевит — «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими раиси

Эшонкулова Дилбар — Шаҳрисабз туманидаги «Тўдамайдон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

«Шухрат» медали билан
Арслонов Хусанбой — Олтинқўл туманидаги «Сафаробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

Жуманазаров Файзи Мамаюсупович — Навоий шаҳридаги «Гулзор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

Иноғомова Карима Фотиҳовна — Шайхонтоҳур туманидаги «Эшонгузар» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар комиссияси раиси, Тошкент шаҳри

Пардаева Рохат Ҳаракановна — Нишон туманидаги У.Юсупов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

Пўлатова Гулнор Раззоқовна — Пастдарғом туманидаги «Қорабўйин» маҳалла фуқаролар

йиғини раиси, Самарқанд вилояти

Рўзमतов Шермуҳаммад — Бағдод туманидаги «Муруват» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

Сафарова Лutfия Шонъёзона — Термиз шаҳридаги «Озодлик» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби, Сурхондарё вилояти

Тошпўлатов Раҳмонберди Холбўтаевич — Денов туманидаги «Чамбил» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

Эргашев Абдулла Раҳимжонович — Қибрай туманидаги «Мой» қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси, Тошкент вилояти

Юнусова Аминахон — Учқўрғон туманидаги «Нуробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ


Бугун дунё аҳли ўзбекистонлик ёш шахмат усталарининг ақл-заковатига, салоҳияти ва маҳоратига тан бермоқда. Рустам Қосимжоновнинг шахмат бўйича жаҳон чемпиони тожонини қўлга киритиши бунинг яққол мисолидир.

Германиянинг Малент шаҳрида заиф эшитувчилар ўртасида ўтказилган 1-жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Сирожиддин Зайниддинов шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Хиндистонда ўтган жаҳон ёшлар олимпиадасида эса ўн олти ёшли Тимур Гареев халқаро гроссмейстер унвонини қўлга киритди.

Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шухрати» музейида голибларни саралаш маросими бўлди. Мамлакатимизда спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантириш борасида кўрсатилган катта гам-хўрлик йигит-қизларимизнинг халқаро спорт майдонларида улкан ютуқларни қўлга киритишида муҳим омили бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг бу навиқрон шахматчиларга йўллаган табрикларини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

«Германияда ўтган жаҳон чемпионатида голибликни қўлга киритганимни эшитиб, беҳад хурсанд бўлдим, дейилади Юртбошимизнинг С.Зайниддиновга йўллаган табригида. — Агар одам ўз олдида аниқ мақсад қўйиб, бу йўлда кийинчилик ва машаққатларни ирода ва сабот билан ениб, қатъият билан олға интилса, ҳеч шубҳасиз, қўзлаган марраларига, албатта, етади. Сен эришган бу юксак галаба мана шу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлаб турибди.



СУРАТДА: ёш шахматчилар Тимур Гареев ва Сирожиддин Зайниддиновлар тақдирлаш маросимида

Сени тарбиялаб вояга етказган ота-онанга, истеъдодингни рўёбга чиқаришда беминанат хизмат қилган устоз-мураббийларингга миннатдорлик билдираман.

Сенга ҳаётда ва спортда бахт ва омадлар тилайман.

Юртбошимиз Тимур Гареевни ҳам ўз иқтидори орқали жаҳон узра Ўзбекистонимизни яна бир бор намоён қила олгани билан самимий қутлаб, келгусида янада улкан зафарлар ёр бўлишини тиллаган.

Иқтидорли шахматчиларга мамлакатимиз раҳбарининг совғаси — компьютерлар топширилди.

Президентимиз бир неча йил бурун Рустам Қосимжоновга ҳам компьютер ҳадя қилган эди. Бундай эътибор ва гамхўрликдан руҳланган Рустам ўшанда жаҳон шахмат тожони Ўзбекистонга олиб келишга ваъда берган эди. У ваъдасининг устидан чиқди.

Умид қиламизки, вақти келиб Сирожиддин ҳам, Тимур ҳам ана шундай юксак ютуқларга эришади. Ватанимиз довуғини оламаро янада кенгрок таратишга ўзларининг муносиб улушини қўшадилар.

Лазиз РАҲМАТОВ, ЎзА муҳбири

31 август — Қавазон қурбонларини ёғ этиш куну

Қатагон қурбонлари... Собиқ Шўролар даврида ҳақ сўзни айтишга ўзида куч топган инсонлар... Улар бутун умри давомида истиқлол соғинчи, Ватан ҳуррияти орузида яшадилар. Миллатни қуллик занжирдан халос этиш учун курашдилар. Фитрату Бехбудийлар, Усмоноу Чўлпонлар... Улар бизнинг ўзбек қахрамонларимиз. Аслида, ана шундай ватанпарвар инсонларнинг саногии минглаб, юзминглаб... Чунки ўша даврда ўнлаб халқ вакиллари шўролар тузумининг қатагон йиллари қурбони бўлган. Улар Ватанга садоқатнинг ёрқин намунаси.

Биз қатагон қурбонлари орзу қилган кунларга етиб келдик ва собитқадамлик билан истиқлол ва тараққиёт йўлидан борайтириш. Бу ёруғ кунларнинг яқинлашувида қатагон бўлган умрларнинг ҳам ҳиссаси борлиги, шубҳасиз. Бугун биз миллатнинг ана шундай асл фарзандларини эсга оламиз ва уларнинг руҳлари биз ёшларга мададкор бўлишига ишонамиз. Аслида қатагон йиллари қурбонлари — бугуннинг қахрамонлари.



Шаҳидлар хотираси мажмуи.

Mahalla



— Яна нима дейди?
— Байрамнингиз кутлуғ бўлсин, — дейди.

Курик-танловлар якунланди

МАҲАЛЛА ФИДОЙИЛАРИ

Улар мустақиллигимизнинг 13 йиллик байрами арафасида аниқланди

Маълумки, кейинги йилларда давлатимиз ўзини ўзи бошқариш тизими — қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини яхшилаш борасида қўллаб-хайрли ишларни, ислохотларни амалга оширмоқда. Юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришни кўзда тутувчи ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ бугун маҳалла-ларимизда янгидан янги замонавий гузарлар, кўркам иншоотлар, маданий-маиший масканлар қад ростлади. Халқимизнинг турмуш даражаси юксалди, онги ва тафаккури, қарашлари ўзгарди.

Зеро, Республикаимизда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган «Ибратли маҳалла оқсоқоли», «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли», «Маҳалла жонкуяри» курик-танловлари ана шу хайрли ишларда бош-қош бўлаётган, фуқароларимизни ташаббускорликка, меҳр ва муруватли бўлишга чорлаётган фуқаролар йиғинлари раислари, фаолларини аниқлаб, уларнинг хизматларини муносиб тақдирлаш ва тажрибаларини кенг оммалаштириш

га қаратилган.

Яқинда мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллик байрами олдидан Меҳр ва муруват йилга бағишлаб ўтказилган ушбу курик-танловларнинг сўнгги Республика босқичига якун ясалди. Курик-танловларни ўтказиш бўйича Республика комиссияси томонидан голиблар номи маълум қилинди. Унга қўра, «Ибратли маҳалла оқсоқоли» номинацияси бўйича Тошкент шаҳри С.Раҳимов туманидаги Чигатой Оқтепа маҳалласи оқсоқоли Хайрулла Мўминов биринчи, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги Дўстлик маҳалласи оқсоқоли Бозор Ҳакимов иккинчи, Жиззах шаҳридаги М.Улуғбек номли маҳалла оқсоқоли Раҳмат Бозоров учинчи ўринларга лойиқ деб топилдилар.

Давоми 2-саҳифага

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. ХАТТО БУГУН ХАМ 2004 ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИГА ОБУНА БЎЛИШИНГИЗ МУМКИН. ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИДА 'Mahalla'СИЗ ҚОЛМАНГ!

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида

060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хўши: «Матбуот тарқатуви» ҳиссасдорлик жамияти

«М.Н.» — белгиси остида реклама-тихорат мақолалари берилди.

Тахрират манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар: Кабулхона — 136-53-93 Тел/Факс: — 133-44-25

Масъул котиби: 136-53-75 Хатлар бўлими: 136-57-62

Муассислар: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахриратининг меҳнат жамоаси.

Истиқлол иншоотлари

БУ ЙЎЛЛАР — УЛКАН ИНШОИЯТЛАР ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛЛАРИДÜR

Мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон темир йўлининг замонавий меъморчилик услубида бунёд этилган, барча қўлайликларга эга дастлабки Тошгузар ва Деҳқонобод бекатлари ишга туширилди.

223 километрик мазкур йўлнинг 106,2 километри Қашқадарё, қолган қисми эса Сурхондарё вилояти ҳудудидан ўтади. Демак, икки вилоят ўртасидаги йўл 184 километрга қисқарди. Темир йўл ёқасида олти бекат қурилиши режалаштирилган. Унинг ишга туширилиши халқ ҳўжалигини ривожлантириш, янги ерларни ўзлаштириш, ер ости бойликларидан унумли фойдаланиш имконини беради. Янги йўл ҳар йили 60-65 миллион АҚШ доллари миқдоридан иқтисодий самара келтиради.

Ўзур йўлининг Тошгузар қишлоғи ҳудудидан бошланган ушбу темир йўл қиска фурсатда Деҳқонобод тумани билан туташди. Тошгузар — Деҳқонобод оралиғидаги 57 чакиримлик масофага пўлат излар ётқизилди. Бу ишга 350 дан ортик техника, мингдан зиёд ишчи-муҳандис жалб этилди.


Иш ҳажми ва салмоғи жиҳатидан жуда қиска муддатда қуриб битказилаётган ушбу темир йўл нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун муҳим аҳамиятга эга. Авваломбор, йўловчилар ва юкларни Туркменистондан транзит орқали Сурхондарё вилоятига олиб ўтиш учун кетадиган харажатлар камайдди. Бундан ташқари, янги йўл юкларни Тожикистон ва Афғонистонга, келажакда Хиндистон, Покистон ҳамда бошқа давлатларга мамлакатимиздан транзит орқали ўтказиб юбориш имконини яратди.

Январ ИНОЯТОВ — "Нуроний" жағ-

армаси вилоят бўлимининг раиси: — Бир воқеа асло ёдимдан кўтарилмайди. Президентимиз Қашқадарёга биринчи раҳбар бўлиб келган йиллар эди. Уша вақтда мен Деҳқонободда биринчи катта эдим. Бир йилгида туманни газлаштиришни тезлаштириш таклифи билан чиқдим. Тоғли туманда бунга амалга ошириш жуда мушкул эди. Шунинг учун ҳам кўпчиликда бу таклиф ҳайрат уйғотди. "Ҳали сен туманига темир йўл, тепловоз ҳам олиб келарсан" дегувчилар ҳам бўлди. Шунда раҳбаримиз бироз ўйланиб: "Ҳа, бир вақтлар Деҳқонободга темир йўл ҳам келади, поездлар ҳам қатнайди" дедилар. Мана, Аллоҳга минг бор шукурки, ана шундай кунларга айнан Президентимизнинг сайё-ҳаракатлари билан етиб келдик.

Бугунги кунда бир вақтлар отабобларимиз орзу қилган, кўролмаётган ёрғун кунлар келди. Мана шундай жойларга, айдоқ чўлларга темир йўл келиши, янги-янги шаҳарлар, туманлар бунёд этилишини ким ҳам хаёлига келтирган эди дейсиз. Ёш авлод бу кунларни фахр ва ифтихор билан эслайди. Биз, сиз шу кунларга гўвоҳ бўлганимиз учун Ис-

тиқлолга, Ўртбошимизга чексиз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Шу юртинг бир фарзанди сифатида б у т у н қашқадарёликларни ш у н д а й кутлуг кун билан табриклаймиз, кутлайман. ЭШҚОБИЛ ШЕРАЛИЕВ — "Маҳалла" жағфармаси туман бўлимининг раиси: — Деҳқонободга темир йўл келиши ҳеч кимнинг етти ухлаб ту-



шига кирмаган эди. Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон темир йўли туманимиз халқ ҳўжалигининг ривожига катта йўл очади, 650 дан зиёд иш жойи яратилади. 66 километрга чўзилган Тошгузар — Деҳқонобод қувури орқали туман марказига тоза ичимлик суви олиб келинади. Оҳақ, калий тузи заводлари, фабрикалар ишга тушади. Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ "Mahalla" муҳбири.

"Деҳқонобод" станцияси қурилишида "Комнот" кичик корхонаси ҳам фаол қатнашди. СУРАТДА: прораб М.Пардаев ва техник назорат инспектори Нурмаҳаммад Авлиев.

ЯНГИ ИНШОТЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Шифохонада 150 нафар мутахассис ишлайди. Поликлиника хизмат кўрсатадиган ҳудуд тўққиз участкага бўлинган. Ҳар бир участка оилавий шифокорига қарий 200-250 оила бириктирилган. Поликлиникага қатнайдиганларнинг умумий сони 25 минг кишини ташкил этади.

Этиборли томони, мазкур оилавий поликлиника туну кун ишлайди. Давлатимиз раҳбари халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш, жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказиш, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлигини мустаҳкамлаш мамлакатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бўлиб қолаверилишни таъкидлади. Зеро, аёл соғлиғи — миллий соғлиғи, жамият камолидир.

Истиқлол байрами арафасида юртимизда еттига кўшма корхона ишга туширилди. Шулардан бири «Сағбонтекстиль» кўшма корхонасида. Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Туркиянинг «Седат текстиль» фирмаси ҳамкорлигида ташкил этган мазкур корхонанинг ишга тушуши 320кишини иш билан таъминлаш имконини беради. Мамлакатимиз раҳбари ана шу корхона фаолияти билан танишди.


Кўшма корхонада бир йилда 1,8 миллион донна трикотаж маҳсулотлари тайёрланади. Ислон Каримов янги кўшма корхонада меҳнат қилаётган аёллар билан суҳбатлашди, уларнинг иш шaroити, ижтимоий муҳофазаси билан қизиқди.

Мустақиллик майдони рўпарасида қад ростлаган яна бир кўркам сарой — Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси пойтахтимизнинг қиёфасига янги маъносини бахш этди, гўзал қирралар билан бойитди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки буюртмаси билан Туркиянинг «AY SEL Construction, Contracting and Trade Co.lnc» пудратчилигида барпо этилган ушбу санъат иншоотининг қиёфаси ва шакли шамоилии беназир, мақсад ва аҳамияти эса бекиб.

Ўртбошимиз Истиқлол байрамига муносиб тўхфа бўлган мазкур галереяни бориб кўрди. Ислон Каримов галереяни барпо этиш замирида тасвирий санъат борасидаги нобъ иқтидор эгаларини рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби хайрли вазифалар турганини таъкидлади. Айни пайтда ушбу масканга улкан маънавий талаб қўйилди. Санъат музейи ўз номи билан музей, Галерея — энг сара асарлар намойиш этиладиган, йиғиладиган ва сақланадиган маскан.

Мазкур галерея иқтидорли рассомларимизнинг ёрқин асарларини жаҳонга намойиш этишга хизмат қилади. Президент Ислон Каримов кўп бор таъкидлаганидек, иқтисодий ривожланиш йўлидаги эзгу ишлар маънавий юксалиш ҳаракатлари билан чамбарчас, уйғун олиб боришмоғи даркор. Истиқлолнинг 13 йиллигига муносиб тўхфа сифатида фойдаланишга топширилган мазкур галерея ва бошқа иншоотлар шу тамойилга асосланган сиёсатимизнинг яна бир ифодаси, аниқроғи, самараси десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз.



Пойтахтимизда Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган 4-оилавий поликлиниканинг умумий кўриниши.

АҲИЛАЛИК МЕВАСИ

Кумқўрғон туманидаги Дўстлик номи маҳаллада янги миллат вакиллари истиқомат қилади. Шундай бўлсада, ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари, аҳолининг фаровон турмуши ҳақида гап кетганда, кумқўрғонликлар маҳалла номини пешқадмлар қаторида тилга олади.

Кўпчилик бундай илгорлик боисини маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б. Ҳакимовнинг ва унинг атрофида йиғилган фаолларнинг ташаббускорлиги, тadbиркорлиги билан боғласа, яна кўпчилик кўп миллатли маҳалла аҳлининг ўзаро аҳил-иниқлиги, тинч-тотувлиги билан изоҳлайди.

Асосий эса бу икки эътироф замирида ҳам ҳақиқат мавжуд. Чунки 3680 нафар аҳолини ўз бағрига олган маҳаллада тинчлик ва оқсоқилликни таъминлаш ҳудудда фаолият юрлатиб турган маҳалла фуқаролар йиғинининг энг асосий вазифаси. Шу боис, бунун Дўстлик маҳалласи фуқаролар йиғини билан туман прокуратураси, ички ишлар бўлими ўртасида самарали ҳамкорлик йўлига қўйилган. Улар маҳалла йшлари ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, оқсоқилликни таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган катор тadbирлар, давра суҳбатлари

ўтказиб келмоқдалар. Хусусан, жазо муддатини ўтаб келган фуқаролар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш ва уларни иш билан таъминлаш, ҳудудда маҳалла посбонлари фаолиятини жонлантириш, тунги наэбтчиликлар ташкил этиш, шунингдек, таълим муассасалари ўқувчи йшлари билан турли тарбиявий машғулотлар олиб боришда ушбу ҳамкорликнинг ҳиссаси катта бўляпти.

Уз навбатда маҳаллада ободонлаштириш ва бунёдкорлик борасида ҳам хайрли ишлар бисёр. Маълумки, хонадон ва кўчаларда, аҳоли гавҳум жойларда тозалик ва саришталик ўрнатилса, ўша жойда соғлом муҳит зогага келади. Бунинг минглаб фуқароларга бошчилик қилаётган маҳалла оқсоқоли ҳам, хайрли ишларга иштиёқманд ташаббускор фуқаролар ҳам яши билдиладилар. Утган 2003 йилда маҳалла «Энг обод маҳалла» кўрик-танловига қатнашди, вилоятда 1-ўринни эгаллади.

Меҳр ва муруват йили мусоабати билан аҳолининг ижтимоий муҳофазасига маҳалла йиғини томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Турли байрам ва тadbирларда маҳаллада яшовчи эхтиёжманд инсонлар учун хайрия дастурхони ташкил этилиб, меҳр ва муруватга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олинаёпти.

Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, утган Обод маҳалла йилида бугунги куннинг долзарб ва устувор вазифаларидан келиб чиқиб, ижтимоий муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ва аҳолининг турмушини яхшилаш мақсадида АҚШнинг USAID халқаро наэблат-нотижорат ташкилати «САИР» дастури асосида маҳалла ҳудудига «Дўстлик»

Давоми. Аввали 1-саҳифада

Шу номинация бўйича қатнашган қуйдагилар рағбатлантирувчи мукофотга муносиб деб топилди:

Ўринбой Юлдашев, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги Тўлқин овули фуқаролар йиғини оқсоқоли; Садбархон Гофурова, Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги Учқун маҳалласи оқсоқоли; Сиддиқжон Ҳошимов, Наманган вилояти Уйчи туманидаги Чуртук маҳалласи оқсоқоли; Тоштемир Қудратов, Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги Навбахор маҳалласи оқсоқоли; Арофат Мухамедова, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Наврўз маҳалласи оқсоқоли; Назиркул Мухамедов, Фарғона вилояти Данғара туманидаги Пишқорон маҳалласи оқсоқоли; Анабиби Матқаримова, Хоразм ви-

МАҲАЛЛА ФИДОЙИЛАРИ

улар Мустақиллигининг 13 йиллик байрами арафасида аниқланди

лоят Урганч шаҳридаги Ал-Хоразмий номли маҳалла оқсоқоли.

Сурхондарё вилояти Узун туманидаги Меҳнат маҳалласи оқсоқоли Уктам Қаландаров (1-ўрин), Фарғона вилояти Данғара тумани Санам қишлоғи ҳудудига жойлашган Тўлабой номли маҳалла оқсоқоли Абдусамат Мўминов (2-ўрин) ҳамда Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 32-сонли маҳалла оқсоқоли Жумабой Мадаминов (3-ўрин)лар «Энг тadbиркор маҳалла оқсоқоли» кўрик-танлови фойлиблари бўлишди.

Шу номинация бўйича қатнашган қуйдагилар рағбатлантирувчи мукофотга муносиб деб топилди:

Бахтиёр Аминов, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги Богён маҳалласи оқсоқоли; Тожидин Аҳмедов, Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги Бобур номли маҳалла оқсоқоли; Исмоилжон Раҳматуллоев, Наманган вилояти Чортқо туманидаги Боғистон қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли; Абулқосим Каримов, Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги Адам маҳалласи оқсоқоли; Суннат Мақсудов, Тошкент вилояти Қўрай туманидаги Янгийўл маҳалласи оқсоқоли; Эркин Аҳмедов, Тошкент шаҳри Сергели туманидаги У.Юсупов номли маҳалла оқсоқоли.

«Маҳалла жонқури» номинацияси бўйича эса Фарғона вилояти Данғара туманидаги «Найманча» ширкат ҳўжалиги раиси Анваржон Мирсодиқов биринчи ўринни, Андижон вилояти Избоскан туманидаги Т.Мамажонов номли маҳалла фуқаролари — ака-ука Мамажоновлар иккинчи ўринни, Бухоро вилояти Олот туманидаги Пахтакор маҳалласи фуқароси Баҳоидир Худойберганов учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Шунингдек, маҳаллаларда олиб борилаётган хайрли ишлар, фуқаролар йиғинлари раислари иш таҳрибатларини кенг тарғиб ва ташвиқ қилишдаги хизматлари инобатга олиниб, бу борда ибратли кўрсатувлар тайёрлашда жонбозлик кўрсатаётган «Узтелерадио» компанияси «Сивсат» студияси бош муҳаррири Баҳоидир Юсупов ҳам «Маҳалла жонқури» кўррак нишонига муносиб деб топилди.

Шу номинация бўйича қатнашган қуйдагилар рағбатлантирувчи мукофотга муносиб деб топилдилар:

Убайдулло Ҳакимов, Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги Нор Жўраев номли маҳалла фуқароси; Холмуҳсин Саидов, Сурхондарё вилояти Кумқўрғон туманидаги Беш қаҳрамон ширкат ҳўжалиги раиси; Искандар Позилов, Тошкент вилояти Тошкент туманидаги Оқунбобоев номли ширкат ҳўжалиги раиси; Раҳматулло Аҳмедов, Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги М.Улуғбек номли маҳалла фуқароси, хайдоовчи; Арслон Қаландаров, Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Дўстлик маҳалласи фуқароси, муҳандис-механик; Қобил Қодиров, Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманидаги К.Гофуров маҳалласи фуқароси, ўқитувчи.

Фойлиблар Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жағфармасининг фахрий ёрликлари, кўррак нишонлари ва қимматбаҳо совринлари билан тақдирландилар.

Улайимжон, мазкур кўрик-танловларнинг Мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида яқунлигини ҳамда фойлиблар аниқлигини унда совирили ўринларни қўлга киритган маҳалла фидойилари учун ҳам, эзгу ишларни, хайрли ташаббусларни қадрловчи маҳалладошларимиз учун ҳам муносиб байрам тўхфаси бўлди. Фаррух БЎТАЕВ, «Mahalla» муҳбири.

"Mahalla" хабарлари

Фарғона вилояти

СЎҲДА САЙЛОВОЛДИ ТАДБИРИ

Шу йил декабр ойида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади. Уларда сиёсий партиялар билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, айниқса, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги муҳим аҳамият касб этади.

Сўх туманида «Дунёда ва Ўзбекистонда либерал-демократия» мавзусида бўлиб ўтган семинар-тренинг ана шу сайлов қонунчилиги тарғибига бағишланди. Тadbир фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Фарғона филиали ва Фарғона Маҳалла Маркази қошидаги «Водий зиёси» ўқув-услубий Маркази ташаббускорлигида ўтказилди.

Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг фаоллари иштирок этган ушбу семинар-тренингда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Қонун ҳужжатлари, сайлов компаниясида барча номзодлар учун тенг шaroитлар яратишнинг ҳуқуқий асослари бўйича фикр алмашилди. Шунингдек, сайлов жараёнининг очик ва эркин рўнда ўтишини таъминлашда нодавлат — нотижорат ташкилотларнинг ўрни, 2004 йил сайлов компаниясининг ҳусусиятлари, сайловчиларнинг сайловолди мақсад ва вазифалари, сайловчилар ташаббускор гуруҳини расмийлаштириш жараёни ва бошқа мавзулар бўйича ҳам сўз борди.

Бундай семинар-тренинг ва давра суҳбатлари вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ўтказилмоқда. Қодир ШОДМОНОВ «Mahalla» муҳбири.

Сирдарё вилояти

СПОРТЧИ МУАЛЛИМ ХОТИРАСИ

Сирдарё туманидаги 11-умумтаълим мактабиде марҳум муаллим Хушвақт Кўчаров узоқ йшлар жисмоний тарбия фанидан сабоқ берган. Шу билан биргаликда «Малик» футбол жамоаси сафиде тўп суриб, вилоят шарафини ҳимоя қилган футболчи сифатида эсда қолади. Мана ўн тўрт йшдирки, унинг фарзандлари Набижон ва Жаҳонгир оталарининг изидан кетиб, спортни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшяптилар.

Яқинда Хушвақт Кўчаров хотирасига бағишлаб ўтказилган турнирда 23 та маҳалла футбол жамоаси иштирок этди. Вилотнинг 19 жамоасидан ташқари Жиззах, Тошкент вилоятларидан ва Қозғоғистон Республикасининг қўчи жамоаларидан вакиллар иштирок этишди.

Икки кунлик хотира турнири ниҳоятда кескин ва қизиқарли ўтди. Наврўз маҳалласининг «Азамат» футбол жамоаси ушбу турнирда голибликини қўлга киритди.

Мусобақага Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши, «Камолот» йшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда марҳум спортчи муаллимнинг фарзандлари ва дўстлари ҳомийлик қилишди.

«ЗУХРАТЕКС» ИШ БОШЛАДИ

Вилоятда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар сафига янги «Зухратекс» кичик корхонаси қўшилди. Уни Гулистон туманилик эр-хотин тadbиркорлар — Зухра ва Шербўта Бийболаевлар ташкил этишди.

— Ҳозирча дастгоҳларимиз ва ишчи кўчларимиз кам. Бирок ҳадемай ишларни изга солсак, унумдорлик ошади, — дейди кичик корхона иш юритувчиси Шербўта Бийболаев. — Ҳозирча бу ерда ҳафтасига 1200 метр бўз мато ишлаб чиқарилаётган бўлса, корхонамиз тўлалигича ишга тушган, бу кўрсаткич, албатта, кескин кўтарилади.

Дарове, кичик корхона қишлоқдаги 16 нафар хотин-қизларни иш билан таъминлайди ва бу ерда тўрт-беш хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. У маҳсулотлар сафига чит, дока, сочик ва тўр рўмоллар киради.

Янгиликнинг ҳаммаи ўзига ҳос қийинчиликлари, мураккаб томонлари борлигини биламиз. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, халққа арзон маҳсулотлар етказиб беришдек хайрли ишга қўл урган тadbиркорларга, омадингизни берсин, деймиз.

Норинисо ҚОСИМОВА

ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕВИЗОРЛАР: ЎЗБЕКИСТОНДА ЯСАЛГАН «Roison Electronics» кўшма корхонаси ишлаб чиқаряётган маҳсулотлари турларини мухтазам равишда кўпайтириб бормоқда. Корхона фуқароларимиз учун Ўзбекистон Республикасининг 13 йиллик байрамига ўзига хос совга тайёрлади: жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган, диагонали 17, 20, 30 дюймлы LCD ва диагонали 42 дюймлы плазма телевизорларни ишлаб чиқара бошлади. Яқин кунларда бу телевизорлар сотувга чиқарилади.

«Roison Electronics» Ўзбекистон-Америка кўшма корхонаси Ўзбекистоннинг «Roison» миллий тамғаси билан теле-видео аудио ва бошқа маиший техника ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Утган йил якуналарига кўра «Roison Electronics» Ўзбекистоннинг экспортбор ва импорт ўрини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи энг истиқболли ва жадал ривожланаётган компаниялар рўйхатига киритилди.

Мустақиллик даврида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг энг муҳим устувор вазифаларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 18 январдаги қарорига мувофиқ, компаниянинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олинган ҳолда, унинг 15 лойиҳаси 2004-2005 йилларда маҳаллий ҳомашбадан тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилди.

Маҳсулот нархининг ошувига бевоисита таъсир қиладиган сарф-харажатларни камайтириш мақсадида «Roison Electronics» кўшма корхонаси энг замонавий ишлаб чиқариш линияларини сотиб олиб, аввал четдан келтирилдиган бутловчи қисмларнинг бир қисмини маҳаллий ҳомашбадан ишлаб чиқишни йўлга қўйди. Хусусан, пенопластли вклядишлар, қутилар, кинескоплар, фото қабул қилиш мосламаси учун босма платалар, телевизорни бошқариш тумгалари, босма платалар учун эхтиёт қисмларни тайёрлаш шўлар жумласидан. Маҳаллий ҳомашбадан самарали фойдаланиш ишлаб чиқаришнинг 30 фозини маҳаллийлаштириш имконини беради. Келаси йил эса бу кўрсаткични янада ошириш режалаштирилмоқда.

Компания ўз фаолиятини икки йил аввал бошлаганига қарамай Ўзбекистон қозориде мустаҳкам ўринни эгаллади ва замонавий юқори сифатли теле-видео-аудио ва бошқа маиший техника ишлаб чиқарувчилардан бири эканини намойиш қилди. Шунингдек, компания бутун республика бўйлаб дилерлик тармоғига ҳам эга. «Roison» маҳсулотли жаҳон стандартларига мувофиқлиги бўйича тест синовларидан ўтказилиб, дунёга машҳур «SAMSUNG» компанияси томонидан маъқулланди ва у ўз навбатда, кўшма корхонага «SAMSUNG» бренди остида рангли телевизорлар ишлаб чиқаришга ишонч билдиришди.

2005 йилда компания DVD-плеерлар, уяли телефонлар ва чанг ютичлар ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Зеро «Roison Electronics» кўшма корхонасининг асосий мақсади ички бозорни харидорғир замонавий ва юқори сифатли маиший техника билан тўлдиришди.

В.НИКОЛАЕВ, Уза муҳбири

АЗИЗ МАҲАЛЛАДОШЛАР!

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 13 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАРЧАНГИЗНИ ҚИЗГИН МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ. БУНЁДКОРЛИК, ЯРАТУВЧАНЛИК ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИНГИЗ БАРАКАМИ ВА САМАРАМИ БЎЛСИН. ЖАННАТМАКОН ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ТИНЧЛИГИ БАРҚАРОР ВА АБАДИЙ БЎЛСИН!




**Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши,
«Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви**



Бойсун туман Ўрмон хўжалиги жамоаси улуғ айём - Истиқлол байрами билан юрtdошларимизни Сурхон воҳаси аҳли номидан самимий қутлаб, Меҳр-мурувват йилидаги хайрли тадбирларга ривож тилайди.

Хурматли ҳамюртлар! Мустақиллигимизнинг ушбу 13 йиллик санасини улкан ютуқлар, олийжаноб ва савоб ишлар билан қаршиламоқдамиз. Хонадонларимиз фаровон, юртимиз осмони мусаффо бўлсин! Бойсун тумани 256-қурилиш механизациялаштирилган кўчма жамланмаси жамоаси



Ўзбекистон «МАТБУОТ ТАҚВАТУВЧИ»

Акциядорлик Компанияси

юртимизга хурлик ва озодлик келтирган айём — Истиқлол байрамининг 13 йиллик санаси билан барча ҳамюртларимизни табриклайди.

Компания жамоаси "Mahalla" муштарийларига 2005 йил обунаси учун барча қулайликлар яратиб беришдан бахтиёрдир.



Хазилу чин...

КАРАЙДИ...

Меҳмон келса, хотининг қовоғига қарайди, Оқкўз меҳмон меҳмоннинг товоғига қарайди. Ўқувчиси бекорга кирмас олиқ дароҳга, Устознинг кўп йиллик сабоғига қарайди. Бефаросат, эй хотин, чаппа тикиш қилма-да, Кўча-қўйда эрининг ямоғига қарайди. Тўйга келган танишинг ошга йўқ иштаҳаси, Бирор нарса борми деб, ариғига қарайди. "Мажлис"ни маишатга айлангирар нопок эр, Уйга келиб, хотиннинг сўроғига қарайди. Лаганбардор хавотирда, чап ён-да турган бошиқ, Бирор нарса бўлган деб, димоғига қарайди. Аюйимас одамлар, пулни чўзмас бекорга. Ишлаётган устанинг сувоғига қарайди. Қассобнинг ҳам кайфи чоғ, анча фойда қолади, Арзон олган хўкзининг томоғига қарайди. Бир жойда амал талаш — чопиб юрган жуда кўп, Порахўр ҳам пулни деги кўпроғига қарайди. Айтaversа гаплар кўп, резинадай чўзмасдан Парда "шор" шёрининг адоғига қарайди. Пардабой ҚУЛАТОВ

Ўзбекистон ва Жаҳон

ЮРТИМИЗГА МАҲЛИЁЛАР...

Довруғи етти иқлимга кетган Самарқанд, Бухоро, Хиваю Қўқон, Тошкент, Шахрисабз шаҳарлари мамлакатимизнинг кўрки, шарафи. Утмиши, асларга тендош ёши билангина эмас, тарихий ёдгорликлари, шарқона услубда қурилган, бетакрор нақшларга бой обидалари билан жаҳонни лол қолдирган бу қадимий шаҳарлар мустақил юртимизнинг ҳам бешиги, ҳам эшиги саналади. Ана шундан бола керак, ҳар йили бу шаҳарларга дунёнинг турли бурчақларидан юзлаб, минглаб хорижий меҳмонлар, сайёҳлар ташириб булормоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси ўз Мустақиллигини қўлга киритганидан кейин юртимизга кўплаб хорижий давлат арбобларининг, ишбилармонларнинг, меҳмонлар ва сайёҳларнинг қизиқиши орди. Ўзбекистонимизнинг истиқлол йилларидаги буюк ўзгаришлари, қўлга киритган улкан ютуқлари, вилоят ва шаҳарлари, айниқса, гўзал пойтахти Тошкент шаҳрининг таниб бўлмас даражада ўзгариши, янги турар жой бинолари, Санъат саройлари, театр қошоналари, олиқ ва ўрта ўқув юрталар, кенг, озода ва чиройли, анвойи гулларга бурканган кўчалари, шинам кўприклар, барча қулайликларга эга бўлган мўл-кўл, бир-биридан чиройли бозорлари ва меҳмондўст халқи хорижий мамлакатлардан юртимизга келган дўстларимизда илиқ таассурот қолдирмоқда. "Биз Марказий Осиё маданиятига қизиқиб келганмиз. Мақсадимиз тарихий ёдгорликлар ва обидалар билан яқиндан танишиш. Биз уларни томоша қилиб, қойил қолдик. Бу ерда ўтмишдан қолган бебаҳо ёдгорликларни таъмирлаш учун жуда катта ишлар қиланайтган экан", — деб ёзади германиялик тилшунос олим Вольфганг Шлотман Кайз. "Мен Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент шаҳарларида бўлдим. Бу шаҳарлардаги қадимий меъморий обидаларнинг ўзи бир дунё. Кўҳна Шарқнинг бор қудрати ва улғуворлиги акс этган бу осмонўпар, нақшикор миноралар қаршисига шу юрт кишилари, ажадларининг ақл-заковати, билими қай даражада яратувчанлик кучига эга эканлигининг шоҳиди бўласан киши", — деб юртимизни таърифлайди франциялик муҳандис Жюльен Барте. "Мен Буюк Ипак йўли шуҳрати ва Хива, Бухоро, Самарқанд сингари Шарқ маданиятининг кўҳна дурдоналари саналмиш шаҳарлар гўзаллигидан лол қолдим", — деб ўз дил сўзларини ифода этади германиялик сайёҳ Карл Шэфер. "Асрий обидаларни кўз қорачиғидек асраб

келаётган хиваликларга раҳмат!" — деб ўз фикрини билдиради хиндистонлик шарқшунос олим, профессор Мансура Хайдар. "Хиванинг ўзгача, бетакрор обидалари

ҳақида кўплаб эшитганман, ўқиганман. Ўқиш, эшитиш бошқа экан. Кўҳна Хивага келиб, бу обидалар нақадар ноёб, инсон ақл заковати билан вужудга келганига иймон келтирдим", — деб тан беради африкалик олим Хусайн Умар Утман. "Самарқанднинг таърифи ҳақида сўз айтишга тилим лол. Улуғбек, Тиллақори, Шердор мадрасалари ва яна қанчадан-қанча тарихий обидалар қаршисига бағоят хайратландим ва уларни ҳавас билан томоша қилдим", — деб таърифлайди австралиялик сайёҳкор Гулай Хоним Самарқандда бўлган чоғида.



Самарқанддаги дунё машҳур Улуғбек обсерваторияси Галаосиё маҳалласи ҳудудида жойлашган. Бу ердан сайёҳларнинг қадами узилмайди. Маҳалла новвойлари ёпадиган қулчау патирларни хорижий меҳмонлар жуда қадрлашади. Буни қарангки, маҳалла новвойлари ўзаро беллашиб ҳам турар эканлар. СУРАТДА: Мустақиллигимиз байрамига бағишлаб ўтказилган новвойлар беллашувининг галаосиёлик голиблари. Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Хувайдо таваллудининг 300 аиллиғига

Фарғона шаҳридан 25-30 километр чамаси узоқда, Чўнг-олай тоғ тизмалари этаги қўр-адирлар орасида сўлим бир гўша — Чимён қишлоғи бор. Чимён майин шабадаси, асосан ўрикзорлардан иборат мевазор боғлари, серунум экин майдонлари, меҳнаткаш эли, зукко фарзандлари, олим фузалолари билан элга машҳур. Сўфиёна файласуф шоир Хувайдо ҳам шу замин фарзандидур.

Сўфкёна шокр Мероск

Истиқлол туфайли ундан баҳрамандмиз

Узининг бой адабий меъроси билан жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида маълум ва машҳур бўлган шоир Хожаназар Фойибназар ўғли Хувайдо Чимён қишлоғида туғилган ва шу ерда умрининг охиригача яшаб, ижод қилган. У 1780 йилда вафот этган. Шоир мадрасани муваффақиятли тугатиб, араб, форс тилларини мукамал ўрганганидан сўнг қишлоқда мактаб очиб, болаларга илм бериш билан шугулланган, шёрилар ёзган. Хувайдо нақшбандия таълимотига илҳос қўйиб, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий йўлидан борган. Шоирнинг ғазал, мухаммас, маснавий, рубоийлар ёзгани, шарқ классик шёриятининг аънаванавий шаклларида ижод этгани маълум. Унинг ғазаллари содда, ўйноқи ва равон бўлгани учун ҳам халқ орасида жуда кенг тарқалиб кетган. Бу ишнинг дардиға эй, дўстлар ҳаргиз даво йўқдир; Тамом дардларға ишк дардини даво дерлар. Хувайдо, дунёдин бешиқ ўтказма вужудингни, Неча кун ишқи ҳосил қил,умри бевафо дерлар. Ёки: Кўнгилда дард кўп, айтарға бир маҳрам тополмасман, Кетарға бош олиб чўллар аро ҳамдам тополмасман. Юроким гуссаға тўлди, кишим йўқ айтғали ҳолим, Нетай, дард айтгудек бир дардман одам тополмасман.

Хувайдодан бизга маданий меърос сифатида каттагина бир "Девон" қолган. Бу "Девон" бир неча бор тошбосмада нашр этилган. 1909 йилда шоирнинг авлодлари унинг асарларини тўплаб, мукамал "Девон" сифатида нашр эттиришади. Бу нусха кейинчалик Истамбулда ҳам босилиб чиққан. Олмония ва араб давлатларига тарқалган. Турғунлик даври деб аталган йилларда Хувайдо авлодлари баъзан сўроқ қилиниб, улардан сақлаб қўйилган эски китобларни топиб бериш талаб қилинар, халқ эса Хувайдо ғазалларини ёд айтди, ҳофизлар куйга солиб қўшиқ қилар эдилар. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ ўтмишда топталган, асарлари "заҳар", ўзлари халқ душмани деб қаралган жуда кўп ватандошларимиз қадрли, шон-шуҳрати қайта тикланди. Уларнинг хурмати, эъзози жойига қўйилди ва қўйилмоқда.

Республика миқёсида чимёнлик хассос шоир ва кўплаб дунёвий билимлари эгаллаган улуг зот Хожаназар Фойибназар ўғли Хувайдонинг 300 йиллик юбилейини ўтказиш ва унинг адабий меросини тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам бунинг ёрқин ифодасидир. Айни кунда Фарғона туманининг Чимён қишлоғида ҳашир йўли билан қўчалар ва қабристонни обод қилиш, шоир макбарасини қайта тиклаш юзасидан катта ишлар олиб борилмоқда. Бунда тadbirkор ва ишбилармон чимёнлик ака-ука Раҳмоновлар, олтиариқлик Эркабоевлар ҳамда Мадамжон Аҳмедов, Мамарўзи Мамажонов, Халимжон Ҳасанов, Холматжон Мусахонов сингари кўплаб саховатпеша инсонларнинг қўшаётган ҳиссаси айниқса катта бўлмоқда.

Қодир ШОДМОНОВ, "Mahalla" мухбири.

Инсон кўнглини олиш қийин. Айниқса, етим болаларнинг. Бундай бахтдан кўкси тоғлар бор, бундай бахтга зор бўлган кўнгли доғлар бор... Олом туманидаги Сайин Қоровул номли маҳаллада яшовчи шифокор Саъдулла Рўзиев шундай меҳра зор ўқсик кўнглиларнинг дилини шод этди.

БОЛАЛАР КўНГЛИ ТўЛДИ

Пештоқда "Меҳрибонлик уйи" деб ёзилган бино бағрида яшаётган усти бут-у, қорни тўқ, лекин қалби ярим болажонларнинг жонига оро кирди. С.Рўзиев бугунги кунда турмуш ўртоғи билан ўзининг олти фарзанди баробарида тўрт нафар етим боланинг ҳам бошини силамоқда. Болажонлар жону дилим, — дейди Саъдулла ака. — Ота-она меҳрини кўмсаган болажонларнинг дил оғриқларига бардошим етмади. Уларнинг бошини силашга, кўнглиларига таскин беришга, энг муҳими уларни ҳам ота-она деган улуг бахтга муяссар этишга қарор қилдим. Қуни кеча "Маҳалла" жағмармаси вилоят бўлими томонидан шундай саховатпеша инсонларни қўллаб-қуватлаш мақсадида яна бир хайрли иш қилинди. Олтига спорт майдончасига эга ўшбу хусусий Меҳрибонлик уйига турли хил спорт анжомлари ва кийим-кечаклар ҳада этилди. Озик-овқат маҳсулотлари етказилиб, болажонларга байрам совғалари тарқатилди, дил сўзлари айтилди.

Яхшилар кўп бу элга

"ЛАБИ ҲОВУЗ" БўЙИДА

Бухоронинг сўлим гўшаларидан бири, неча юз йилларга йўлдош қадимий "Лабн ҳовуз" бўйидаги салобатли ва кўркам чойхонада Жалола Йкромий номли маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ўтказилган катта байрам тадбири буни яна бир қарра исбот этди. Тадбирга маҳалланинг кекса отахону онахонлари, кам таъминланган оилалар, эҳтиёжманд инсонлар, шунингдек ибратли оилалар, хунармандлар ҳам таклиф этилди. Улар билан бир пивла чой устида дилдан сўбат қурилди. Ётиб қолган кекса ва ногиронлар ҳолидан хабар олindi. Шу билан бирга тадбирга ташириб буорган хунарманд, зардўз Зулайҳо Каримова маҳалланинг бир неча ака-ёлғизларига совға-саломлар улашди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т.Ҳасанов ушбу тадбирни ташкил этишда яқиндан ёрдам берган "Сивёш" меҳмонхонаси маъмурияти ва "Ал-Муҳаммад" хусусий фирмасига самимий миннатдорчилик билдирди.

Лайло ХАЙТОВА, "Mahalla" мухбири.

МЕҲРДАН МАДАД ОЛИБ...

Каримжон аканинг болалиғи Самарқанднинг Пойариқ туманида ўтди. Ёшлиғида-ноқ, китобга, илм олишга меҳр қўйди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, Тошкент Давлат Политехника институтига ўқишга кириб, уни аъло баҳолар билан тугатди. Сўнгра ёғ-экстракция цехида фаолият бошлади. Кўп ўтмай, смена бошлиғи, цех бошлиғи вазифаларига тайинланди.

Албатта, ҳар бир касбнинг ўз сир-синоатлари бўлади. Мамлакатимиз дунё андозаларига қараб буй ростлаётган бир пайда ишчидан тортиб бошлиқча билимли, дунёқараши кенг, тажрибаси бой бўлиши талаб этилади. Каримжон ака бу борада ўзига ниҳоятда талабчан эди. У заводнинг навбатчи бригадаси бошлиғи этиб тайинланганда, маъсуляти янада ошганлигини ҳис қилди. Ахир заводда 20 та цех бор,

юртимиз равнақи йўлида қилган муносиб хизматлари учун ҳукуматимизнинг қатор медаллари билан тақдирланганида ҳам, ишдаги муваффақиятлари туфайли маъмуриятнинг уч хонали коттежи соҳиби бўлганда ҳам — буларнинг ҳаммасини умр йўлдошининг мададидан деб билган. Ахир ҳаётда сиз билан ёнма-ён яшаётган инсон ҳар қадамда сизга дилдош, маслаҳатдор бўлмас экан, эзгу мақсадлар, муваффақиятлар сари дадил қадам ташлай олмайсиз. Оилмаизда ҳам-жихатлик, тинчлик ҳукмрон бўлсагина, еган ошимиз таътиди. Оллоҳим барчамизни шу туйғудан айирмасин. Санобар ФАХРИДИНОВА

Ўзбекистон Республикаси "Матбуот тарқатувчи" Акциядорлик компанияси "Mahalla" газетасининг обуначиларини рағбатлантириш мақсадида "Mahalla" газетаси 2004 йилнинг август ойи обуначиларига ўзининг махсус совғаларини тақдим этади.

"Mahalla" МУШТАРИЙЛАРИГА СОВҒА!

Совғалар (қизиқарли оммабоп нашрлар, плакатлар тўплами кабилар) обуначиларнинг ташкилотлар тармоқлари орқали ҳар бир обуначига етказиб берилди. Совғалар етказиб берилмаган тақдирда обуначилар обунани уюштирган почта ва "Матбуот тарқатувчи" жамиятлари ходимларидан етказиб берилишини талаб қилиб олишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси "Матбуот тарқатувчи" Акциядорлик компанияси маъмурияти

ЭЪЛОНЛАР

Утерений гос. ордер 07-21/854 от 11.10.93 г. на имя Бараш Дмитрий Юрьевича считать действительным. Андижон вил. Жалолқудук туманидаги 24-мактаб томонидан Хожиматов Шомурод Якубович ном. 2003 йилда берилган ўрг. 0037019 рақамли аттестат йўқлиғи сабабли бекор ҳисобланади. Утерений патент на производство питания 0714345 выданный 24.04.2002 г. хожимиятом Хамзинским р-на на имя Коршунова Сергея Михайловича считать недействительным.



Mahalla logo and contact information: Бош муҳаррир: ЧОРИ ЛАТИПОВ

Тахрир хайъати: Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ,

Шухрат РИЗАЕВ, Тяхбуд ЖУМАЕВ, Эрнаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ФУЛОМОВ. Газета тахририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобук. Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.



МУҲАЖЖИЛАР МАБУРИ

- КҮЙ (21.03-21.04) Ўйгилиб қолган муаммоларни бартараф этишга тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилиш орқали эришишнинг мумкин. Вақтингизни тўғри тақсимлай олсангиз кифоя. СИГИР(22.04-20.05) Уй-жой, кўчмас мулк билан боғлиқ ишларни аъло даражада амалга ошириш бора-сида яқин кунларда сизга етадиган «Устаси фаранг» топилгани анча маҳол. ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06) Оилангиздаги катта ёшли кишилар маслаҳатига оғишмай амал қилсангиз ва бу маслаҳатлар учун уларга миннатдорчилик билдиришни унутмасангиз, ҳаммаси яхши бўлади. КИСКИЧБАКА (22.06-22.07) Шу кунлар руҳий ва жисмоний аҳолининг ҳар доимидан яхшироқ бўлади. Анчамунча муаммоларни ҳал этишга улғурасиз, моддий манфаат ҳам кўрасиз. АРСЛОН (23.07-22.08) Бироз бўлса ҳам бўш вақт топинганда, ёлғизликда барча муаммоларингиз ва уларни ечиш йўллари яхшилаб чамалаб кўринг. ПАРИЗОД(23.08-22.09) Катта фойда келтириши мумкин бўлган шартномани имзолашингиз мумкин. Агар ҳамкорларингиз ланд бермасалар, ҳаммаси яхши бўлади. ТАРОЗИ (23.09-22.10) Касбий кўникмаларингиз бироз мудафат сизга асқотмай қолиши мумкин. Лекин бу касбни алмаштириш учун сабаб бўла олмаслигини тушуингиз керак. ЧАЁН (23.10-22.11) Ўзгаларга ёрдам қўлини чўзмоқ яхши иш, лекин бунинг учун киши ўз манфаатларидан воз кечиши керак деган фикрда бўлсангиз, адашасиз. ҲОТАР (23.11-21.12) Айни кунларда ақлингиз, тажрибангизга асосланиб яқин келажақдаги мазкур кингизни белгилаб бериши мумкин бўлган ишларни бажаринг. ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01) Бизнес ҳамкорлар билан ҳамкорлигингиз даражаси доимидан авж олиши мумкин бўлган айни пайтда гафлатда қолмаслигингиз жуда муҳим. ҚОВҒА (20.01-18.02) Айни кунларда сизнинг ташкилотчилик ва етакчилик қобилиятингиз ҳаммани лол қолдиради. Балки ўзингиз ҳам ҳайратда қоларсиз. БАЛИК (19.02-20.03) Кишилар билан тез қилишиб кетишингиз, ҳар қандай даража тезда кириша олшингиз айни кунларда сизга жуда асқотиб қолиши мумкин.